# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 25 август, № 172-173 (8795-8796) Якшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

## «БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСИ» МАВЗУСИДАГИ VIII ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизларни **“Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси”** мавзусидаги VIII халқаро конгресснинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёнинг узоқ ва яқин давлатларидан ташриф буюрган сизлар каби кўзга кўринган илм-фан ва санъат арбоблари, олим ва тадқиқотчилар, эксперт ва реставраторлар, музейшунос ва бошқа ўнлаб соҳа мутахассисларининг улуғ алломалар диёри бўлган, биринчи ва иккинчи Шарқ ренессансини яратишда улкан ўрин тутган юртимиздаги илмий-маданий мерос намуналарини ўрганишга катта қизиқиш ва эътибор билан қараётгани бизни албатта мамнун этади.

Бу борада Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти томонидан ўтказилаётган халқаро анжуманлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Конгресснинг бу галги саккизинчи йиғилиши доирасида мамлакатимизда бунёд этилаётган, маданий-гуманитар йўналишдаги мегалойиҳа — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятининг жорий ва келажакка мўлжалланган илмий дастур ва режалари муҳокама қилиниши айниқса диққатга сазовордир.

Бунда буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг дунё, хусусан, мусулмон илм-фани ва цивилизацияси равнақига қўшган муносиб ҳиссаси, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказишга оид дастурлар, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимиз учун янги имконият ва истиқболлар очиб беради.

Бу ҳақда сўз юритганда, сизларнинг иштирокингизда тайёрланган **“Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида”** лойиҳаси доирасида 70 жилдлик китоб-альбомлар нашр қилиниб, юртимиз ва чет эллардаги энг машҳур кутубхоналар, олийгоҳ ва музейлар, нуфузли илм-маърифат масканларига етказиб берилганини таъкидлаш лозим. Ана шу ишларнинг давоми сифатида анжуман кунларида мазкур туркумдаги яна 10 та янги жилд тақдимоти ўтказилиши ҳам муҳим маданий ҳодисадир.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизнинг қадимий ва бетакрор маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган сиз, азизларга, олим ва тадқиқотчилар, ношир ва журналистлар жамоасига, шунингдек, жаҳондаги турли фонд ва коллекцияларда халқимизнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини асраб-авайлаб, бизнинг мутахассисларимиз билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган олийжаноб инсонларга чуқур миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг барчангизни Ўзбекистоннинг чинакам дўстлари деб биламиз ва илмий-ижодий фаолиятингизни юксак баҳолаймиз. Юртимиздаги етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, биринчи навбатда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази эшиклари сизлар учун доимо очиқ.

Моҳият эътибори билан ўзида Ватанимизнинг шонли ўтмиши, бугунги ҳаёти ва буюк келажагини намоён этишга хизмат қиладиган бу ноёб замонавий масканда турли илмий муҳокамалар, баҳс-мунозаралар ўтказиш, долзарб ғоя ва кашфиётларни илгари суриш, янги илмий контентлар ишлаб чиқиш учун барча шароитлар яратиб берилади.

Ишончим комил, Халқаро конгресс доирасида мамлакатимиздаги маданий ёдгорликлар, тарихий-меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар ва китоб фондларини ўрганиш ҳамда уларни асраш ва тарғиб этиш борасидаги ишлар билан яқиндан танишиб, ҳамкорлигимизни ривожлантириш бўйича янги таклиф ва тавсияларни билдирасизлар. Анжуман жараёнида ўтказиладиган барча тадбирлар, ҳурматли олимларимизнинг илмий маърузалари, муҳим ғоя ва ташаббуслари Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўйлайман.

Сизларни бугунги нуфузли анжуманнинг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, илмий ва ижодий фаолиятингизга ютуқ ва омадлар тилайман.

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган Ўзбекистонга — тинчлик, дўстлик ва илм-маърифат диёрига хуш келибсиз!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## УЛУҒ АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ ДУНЁ ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ:
# ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА

*Мамлакатимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти (WOSCU) томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Буюк аждодлар мероси — учинчи Ренессанс асоси” мавзуида VIII халқаро конгресс ўтказилмоқда. Унда ИРСИКА, АЙСЕСКО, ТУРКСОЙ сингари халқаро ташкилотлар, “Ал-Фурқон” фонди, Халқаро Туркий академия раҳбар ва ходимлари, дунёнинг 35 давлатидан 300 га яқин олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар қатнашмоқда.*

**Анжуман**





Тошкент шаҳрида 23 август куни бошланган тадбирлар айни пайтда Самарқандда давом этяпти. 24 август куни Самарқанд халқаро туризм марказидаги конгресс-холлда нуфузли анжуманнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқов ва бошқалар мамлакатимизда бой маданий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз қарори асосида бундан етти йил муқаддам ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ана шу эзгу мақсад йўлидаги мегалойиҳалардан биридир.

Шунингдек, бу борада Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти томонидан ўтказилаётган халқаро анжуманлар, амалга оширилаётган лойиҳалар, чоп этилаётган китоб-альбомлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотларни самарали амалга ошириш, ўзининг ёрқин истеъдоди, кўп қиррали ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони билан

**Қўзиев Тоир Асқарович** — В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси, созанда

**Надирова Айгул Базарбаевна** — Нукус давлат педагогика институтининг мусиқий таълим кафедраси доценти, хонанда, Қорақалпоғистон Республикаси

**Назарханова Севара Анваржановна** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Умаров Валихан Мирвасилевич** — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри бош режиссёри

**Уринбаев Камолиддин Турдимуратович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори, Ўзбекистон давлат симфоник оркестри бадиий раҳбари

**Амонқулова Нигина Ҳайдаровна** — Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг «Дарё» ансамбли хонандаси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи» фахрий унвони билан

**Матчанов Очилбек Йўлдашбоевич** — Урганч давлат университети ўқитувчиси, мақом хонандаси, Хоразм вилояти

### «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони билан

**Зияханов Хуршид Джавидович** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг миниатюра ва китоб графикаси кафедраси катта ўқитувчиси, график рассом

### «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони билан

**Холбоев Хамза Давлаевич** — Узун тумани «Янги юлдуз» маданият маркази қошидаги «Райҳон» ашула ва рақс халқ ансамбли бахшиси, Сурхондарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони билан

**Джалалов Ходжикурбан** — Республика «Усто» уюшмасининг «Голден Ганч Мансуржон» корхонаси ганчкор устаси, Самарқанд вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан

**Артикова Дилноза Илхомбаевна** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси раққосаси

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барча соҳа ва тармоқларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришдаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, маънавий янгиланишга эришиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

**Исмоилов Фахриддин Турсунович** — Олтинкўл туманидаги «Бахт имкон ривож чорваси» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

**Ҳамидов Мусурмон** — Нурота туманидаги «Нурота агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Навоий вилояти

**Чориева Жумахол Қурбоновна** — Бандихон туманидаги «Бандихон агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Сурхондарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

**Кодиров Бахтиёр Абдусаломович** — Мингбулоқ туманидаги «Бахтиёр Абдусаломович» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

**Алиханов Борий Батирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси

**Мирзаева Ойистахон Мамажоновна** — Избоскан туманидаги «Гулзор пари» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Новицкий Зиновий Богданович** — Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Кабдурахманов Алибек Асатуллаевич** — Ўзбекистон давлат филармониясининг миллий симфоник оркестри бош дирижёри

**Саидзода Озода Парпиевна** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Лутпуллаев Хайрулла** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг миллий қўшиқчилик кафедраси профессори

**Мавлоний Машхура Игамовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институти саноат микробиологияси лабораторияси мудири, академик

**Мирзамахмудов Исмаилджан** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Фарғона вилояти

**Султанов Бегдулла Жумашевич** — фахрий педагог, Қорақалпоғистон Республикаси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

**Икрамов Адхам Илхамович** — Ўзбекистон Республикаси спорт вазири

Халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида эришаётган юксак натижалари, юртимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва тотувлик, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, шунингдек, жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

## «Имом Бухорий» ордени билан

**Наимов Алишер Абдурашидович** — Фарғона вилояти бош имом-хатибининг ўринбосари, Қувасой шаҳар бош имом-хатиби

**Усманов Рахматилло Ахматович** — Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қашқадарё вилояти вакили

**Элов Жобир Рустамович** — Бухоро вилояти бош имом-хатиби, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Бухоро вилояти вакили

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуалимов Алохон** — Давлатобод туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Камилов Азизжон Якубжанович** — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг ўринбосари

**Сапарова Раихан Халмуратовна** — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри фахрий артисти, хонанда, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тухлиев Бокижон** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедраси профессори

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдувахабов Мирзабахром** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, кулол, Андижон вилояти

**Арипов Тахир Фатихович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти лаборатория мудири, академик

**Арсланов Негмат** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Тошкент вилояти

**Аширбаев Самихан** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фольклоршунослик ва диалектология кафедраси мудири

**Байзаков Бахтиёр Байзакович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти лаборатория мудири

**Болтаев Баходир** — Бухоро вилояти мусиқали драма театри актёри

**Бомурадов Бобир Ҳодиевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Гуламова Марғуба Махамадрасуловна** — Яшнобод туманидаги 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Давронов Шерзод Равшанович** — «Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасаси «Фарҳод» маданият саройи директорининг ўринбосари, хонанда, Навоий вилояти

**Енин Валерий Иванович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Имомов Хабибулла Маннапович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, миллий мусиқа чолғулари устаси, Тошкент шаҳри

**Каримова Зарифа Гулямовна** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқий педагогика кафедраси доценти

**Курбонов Сапарбой Баратович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, эгарчи, Жиззах вилояти

**Мамбетшерипова Назира Абдиганиевна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали фан, таълим ва маданият бўлими мудири

**Матризаев Курамбай** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Хоразм вилояти

**Назарян Арсен Ашотович** — Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтининг эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси катта ўқитувчиси

**Орзиев Одил Худжамович** — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли созандаси

**Рахимов Тохир Норматович** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Режаметов Зухритдин Туганбаевич** — Ўзбекистон давлат сатира театри актёри

**Сайдаминова Диларам Ахматовна** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси фахрий профессори, композитор

**Салиев Хабибуло Исмаилович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, хаттот

**Сатбаев Оразбай Жумабаевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тиллабоев Шоҳид Гаппаржонович** — Ўзбекистон бокс федерацияси бош котиби

**Товстенко Лилия Анатольевна** — Бухоро шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Тожиев Расулжон Жумабаевич** — Фарғона политехника институтининг технологик машина ва жиҳозлар кафедраси мудири

**Шарипов Конгратбай Авезимбетович** — Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири

**Шахобиддинов Аюб Шопатхиддинович** — «Milliy telekanal» масъулияти чекланган жамиятининг кино ва сериаллар дирекцияси бўлим бошлиғи, кинорежиссёр

**Шодмонов Нафас Намозович** — Қарши давлат университетининг ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Абузалова Меҳринисо Кадировна** — Бухоро давлат университетининг ўзбек тилшунослиги ва журналистика кафедраси профессори

**Алибекова Алина Яхяевна** — В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг эстрада ижрочилиги бўлими ўқитувчиси

**Вафаева Хадича** — фахрий педагог, Самарқанд вилояти

**Кузиева Зулфия Таштановна** — Сайхунобод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Махкамова Донахон Тоштемировна** — Фурқат туманидаги 2-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** — «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси, Тошкент давлат юридик университети профессори

**Ташматов Уразали Гафурович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси кафедраси профессори

**Тожиев Юлдош** — Боғот туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабининг қўшнай чолғу синфи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Турдибаева Раънохон Азимжановна** — Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

## II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Бегалиев Урал Эргашевич** — Жиззах шаҳридаги «Доктор Акмал» хусусий тиббиёт клиникаси уролог-андрологи, Жиззах вилояти

**Джалилов Улугбек Аманбекович** — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий консултатив-диагностик поликлиникаси анестезиолог-реаниматологи

**Кадиров Шавкат Умидович** — Академик Н. Н. Бурденко номидаги Миллий тиббиёт тадқиқотлари маркази болалар бўлими нейрожарроҳи, Россия Федерацияси

**Кадирходжаева Нодирахон** — Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг қабул бўлими мудири

**Садиев Зокир Рахматович** — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлими мудири

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Ахмедов Баходир Маджитович** — Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари

**Курбанов Жамшид Абдубурханович** — Тошкент шаҳридаги Эшитиш ва нутқни тиклаш ҳамда овоз реабилитацияси маркази директори

**Шарифходжаев Усман Улфатович** — Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Куликов Андрей Александрович** — Тошкент шаҳридаги «ProRun» спорт маркази директори

**Нажмидинова Гулбахор Рахимжоновна** — Жалақудуқ туманидаги «Пахтакор» оилавий шифокорлик пункти ҳамшираси, Андижон вилояти

**Охунова Гузал Уткуровна** — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий консултатив-диагностик поликлиникаси ҳамшираси

**Тураева Улугай Тоштимуровна** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қоровулбозор тумани тез тиббий ёрдам станцияси фельдшери, Бухоро вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Акбар Халилович** — Самарқанд вилояти қўғирчоқ театри актёри

**Астанакулова Раъно Хурсановна** — Сурхондарё вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази неврология бўлими мудири

**Атажанов Собиржон Абиджанович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Ахмедов Аширали Абдухолиқович** — Тошлоқ туманидаги «Холматобод» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Фарғона вилояти

**Ахмедов Мансур Шаюнусович** — М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли созандаси

**Бабамурадов Бахтиёр Ачилович** — Бухоро шаҳридаги маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш бўйича реставратор-уста, Бухоро вилояти

**Бозоров Хуршед Абдуллоевич** — Самарқанд давлат университетининг Биокимё институти органик синтез ва биоорганик кимё кафедраси профессори, Самарқанд вилояти

**Бойқўзиев Абдунаби** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Ганиев Алиёрбек Авазович** — Тошкент шаҳридаги «Ixlos doktor MT» клиникаси кардиология бўлими мудири

**Ганиева Зухра Абдувахабовна** — «Ўзбекфильм» кино-концерни» давлат унитар корхонасининг либослар бўйича рассоми

**Жуманова Мохичехра Зокировна** — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

**Жураковский Владислав Эмильевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг саҳнани ёритиш цехи бошлиғи

**Закиров Тимур Владимирович** — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи

**Исхаков Акзамжан Гиязович** — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси

**Ишниязова Хуршида Худайбергеновна** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг Хоразм вилояти бўлими хонандаси

**Камбаров Аъзам Махамадали ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг Ахборот-таҳлил ва тарғибот ишларини ташкил этиш бошқармаси мутахассиси

**Каримов Ахтамкул Сатторович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Каримов Хакимджан** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

**Касимова Угулой Хамидовна** — Ўзбекистон давлат филармониясининг дуторчилар ансамбли созандаси

**Курбанов Рахмаджон Абиджонович** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри

**Мамашарипов Хусанбой Абдунаби ўғли** — «Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси актёри

**Маннопов Азизбек Абдували ўғли** — Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раисининг ўринбосари

**Марупов Илҳом Исломович** — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг Ахборот хизмати раҳбари — матбуот котиби

**Меликузиев Джахангир Валижанович** — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг Ахборот-таҳлил ва тарғибот ишларини ташкил этиш бошқармаси бош мутахассиси

**Мирминов Рустамжон Абдумутал ўғли** — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

**Нажимов Элмурод Иқболжон ўғли** — ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси бош котибининг ўринбосари

**Ниёзов Тураб Мамадиёрович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Норматов Пулат Гайбуллаевич** — Ўзбекистон давлат драма театри актёри

**Норов Илхомжон Ашурович** — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг достон ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси, бахши

**Очилова Феруза Муртазоевна** — Ўзбекистон давлат филармониясининг «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Ражабова Ибодат Абдуллаевна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Бухоро вилояти

**Раҳимов Комилжон Раҳматович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

**Саёмов Бобирмирзо Абдумажит ўғли** — Маданий мерос агентлигининг музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Таджиев Тўлқин Бердиярович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Тахиров Рауф Рахмонович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кошинкор уста, Самарқанд вилояти

**Тошев Азамат Бобокулович** — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раисининг ўринбосари

**Туйчиев Надиржон Казимжанович** — «Андижон» футбол клубининг мухлислар клуби раиси, Андижон вилояти

**Турдиев Вахид Якубович** — Андижон вилояти ёшлар театри актёри

**Тухтаев Ойбек Камолович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Удовенко Ольга Юрьевна** — Ўзбекистон давлат санъат музейининг Ўзбекистон халқ амалий санъати бўлими мудири

**Усмонов Шамсиддин Юлчибоевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали театр санъати кафедраси профессори, режиссёр, Фарғона вилояти

**Файзуллаев Вафокул Барноевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Хамдамова Мохирахон Юсуббековна** — Ўзбекистон давлат филармонияси «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамбли балет бўйича мураббийси

**Хамидова Хилола Джураевна** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Хидиров Мирзохид Ғайратович** — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Олмазор тумани бўйича бош мутахассиси

**Ходжаев Асаджан Азатбекович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори

**Хужаниязова Зилола Тураевна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Хуралиев Жумавай Жураевич** — Асака тумани маданият маркази оммавий тадбирлар режиссёри, аскиячи, Андижон вилояти

**Хусаинов Ғайрат Турсунович** — Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри драма артисти

**Юлдашев Муслум Исламович** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг халқаро ва аудиовизуал журналистика кафедраси доценти

**Юлчиев Илхом Исраилович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Якубова Дилобар Абралбековна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали «Ахборот» бош муҳарририяти шарҳловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони билан

**Курбанов Илхам Узакович** — Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Останов Раззоқ Маризаевич** — «Аму-Бухоро» машина каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, Бухоро вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

**Абдирашидов Ахрар Нарматович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси участка устаси, Тошкент вилояти

**Мустафоев Улуғбек Мавлонович** — «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Худайбердиев Аброр Жабборович** — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Бухоро вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони билан

**Руднев Сергей Вячеславович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош геологи, Навоий вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан

**Рахмонов Бахтиёр Султонович** — Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони билан

**Азимов Рахматжон Махмуджонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Афросиёб» юқори тезюрар электропоезди машинисти, Тошкент вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони билан

**Нутфуллаев Амрилло Хайруллаевич** — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамияти Парвозлар хизмати департаменти «А-320» ҳаво кемаси командирининг ўринбосари

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Абдижаббаров Турсинбай** — «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи

**Жабборова Ўғилхон Мухтаралиевна** — Олтинкўл туманидаги «Сафаробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

(Давоми 3-бетда).

**27 август куни пойтахтимизда «Ўзбекистон ва Озарбайжон: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари» мавзуида гибрид форматдаги онлайн конференция бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**Иркаев Абдурахим Панджиевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Қарши давлат университетининг миллий ғоя, маънавият асослари кафедраси профессори, Қашқадарё вилояти

**Қаландаров Даниёр Бобақозақович** — Бахмал туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, Жиззах вилояти

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Абдурахманов Шухратбек Кушақбаевич** — Андижон вилояти ҳокими

**Мирзаев Зойир Тоирович** — Тошкент вилояти ҳокими

**Турдимов Эркинжон Оқбутаевич** — Самарқанд вилояти ҳокими

**Умаров Нариман Маджитович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

**Усманов Рахманбек Джахангирович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси бошлиғи

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаев Манзур Джавдатович** — «Нуроний» жамғармасининг Қўқон шаҳар бўлими раиси, Фарғона вилояти

**Абдухакимов Азиз Абдукахарович** — Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири

**Ғафуров Махмуджон Ғафурович** — Жиззах шаҳридаги «Баркамол транс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Исақулов Дадажон Айнақулович** — «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Қаюмов Абдували Тожиевич** — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводи аппаратчиси, Навоий вилояти

**Қосимов Улуғбек Бердиқобилович** — Сурхондарё вилояти ҳокими

**Матмусаев Дилшад Сабирович** — Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг автоматлаштирилган телефон станцияси электр монтёри

**Махмадалиев Шокиржон Шукурович** — «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятининг алюминий қотишмаларини ишлаб чиқариш участкаси эритувчиси

**Оринбаев Аманбай Тлеубаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси

**Рахимов Жўрабек Рахимович** — Хоразм вилояти ҳокими

**Рахманов Абдумавлян Абдукаримович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг технологик транспорт бошқармаси бульдозер машинисти, Тошкент вилояти

**Садуллаева Фарахат Аминовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Хоразм вилояти Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари

**Турдиев Абдисодиқ Пайғамович** — Шеробод туманидаги «Оазис» хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Ходжаев Жамшид Абдухакимович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Шадманов Адхам Хурсанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

**Эшмуратова Матлуба Нарзуллаевна** — Оқдарё туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Самарқанд вилояти

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдиева Ойсулук Абдирахмоновна** — Муборак туманидаги «Геолог» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Қашқадарё вилояти

**Абдуллаев Абдухашим Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

**Абидов Шерзод Абдусаматович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Адилов Обид Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг ўринбосари — бош муҳандиси

**Азизов Фармон Иззатович** — «Нуроний» жамғармасининг Ургут тумани бўлими раиси, Самарқанд вилояти

**Акрамов Алижон Рашитович** — Ғиждувон тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси муҳандис-гидротехниги, Бухоро вилояти

**Анваров Козимжон** — Фарғона шаҳридаги «Эко шаҳарча» қурилиш лойиҳаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Аннакличев Сахи Сапармухамедович** — «Бизнесни ривожлантириш банки» акциядорлик тижорат банки раиси

**Ахмедов Илхомжон Иминович** — Бўстон туманидаги «Меҳнатобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Ахмедова Марям Халилаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Басидов Искандар Сабитович** — Ўзбекистон Республикаси энергетика соҳаси фахрийси

**Бекмирзаева Раънохон Махмудовна** — Уйчи туманидаги «Mega Tekstil» масъулияти чекланган жамияти ип йигирувчиси, Наманган вилояти

**Ганиев Абдумаджид Рашидович** — «12-трест» акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Гобенова Нигаргул Мирзабаевна** — Нукус шаҳридаги «Алтин жағис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Зубанова Валентина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиацияси агентлигининг аэронавигация ва ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни назорат қилиш бўлими бош мутахассис-инспектори

**Исаев Акрам Амануллаевич** — Учтепа туманидаги «Кўприк қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Каландаров Даврон Наримович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Кодиров Тайир Яндашович** — «Навоийуран» давлат корхонасининг уран ишлаб чиқариш заводи экстракция ва қиздириш участкаси қиздирувчиси, Навоий вилояти

**Кошеров Женис Андреевич** — «Устюрт қидирув-бурғилаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамиятининг бурғилаш бригадаси муҳандис-механиги, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кудбиев Шерзод Давлятович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси

**Куранбаев Кахрамон Кучкарович** — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси

**Кушманов Илёс** — «Шовот-Қуловот» ирригация тизими бошқармасининг «Дарёлик арна» канали бошлиғи, Хоразм вилояти

**Мадаминов Якубжан Мадаминович** — Гулистон тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти

**Маматкулов Мурадали Хайдарович** — Самарқанд шаҳридаги «Мароқанд обод» давлат унитар корхонаси махсус автомашина ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Маматкулов Рустам Уктамович** — «Агробанк» акциядорлик тижорат банки раиси

**Махмадалиев Бахтиёр Хасанович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари

**Мирзамахмудов Жўрабек Турсунпулатович** — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири

**Мўминов Ғайбулло Ризоевич** — Жондор туманидаги «Мўминов Ғайбулло» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Мухаммедов Содикжон** — Мирзаобод туманидаги «A. Masterfruit» масъулияти чекланган жамияти бошқарувчиси, Сирдарё вилояти

**Нормуродов Тохир Омонтурдиевич** — Бойсун туманидаги «Ўрмончи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Раймов Рўзиқул Облоқулович** — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг электр энергетикаси бўйича маслаҳатчиси

**Расулов Нурмахамат Рамазанович** — «To'palang HPD Holding» масъулияти чекланган жамияти бульдозер машинисти

**Рўзиқулова Санобар Ботировна** — Бекобод туманидаги «Лолазор ифори» деҳқон хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Тожиева Маргуба Инаятовна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Гулбозор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Турсунов Нормат Тулкунович** — Навоий вилояти ҳокими

**Уразалиева Мукадас Уктамовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Фазилов Ахмад Тургунбаевич** — Тўрақўрғон туманидаги «4-қишлоқ қурилиш комбинати» масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Наманган вилояти

**Фазилова Светлана Антоновна** — Сариосиё туманидаги «Чош» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Сурхондарё вилояти

**Хван Ольга Борисовна** — Пахтакор тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

**Холбутаев Махмуд Парсаматович** — Шароф Рашидов тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Холмахаматова Шахноза Бахтиёр қизи** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Шоххўжаев Файзулло Зиёхўжаевич** — «Норин-Қорадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси мутахассиси, Андижон вилояти

**Элмурадов Шокир Менгнорович** — «Шўртан газ кимё мажмуаси» масъулияти чекланган жамиятининг этилен ишлаб чиқариш цехи технологик қурилма оператори, Қашқадарё вилояти

**Эргашев Иброхим Кенжабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Мусаева Дилноза Мирзахидовна** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Chinobod Plaza sanatoriysi» масъулияти чекланган жамияти директори

**Неъматуллаева Марғуба Мирзатиллаевна** — Чуст туманидаги «Кўктош» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти

**Нормурадов Исамиддин Кадирбердиевич** — Зарбдор тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

**Худойназарова Гулчехра Тоғаевна** — Термиз тумани «Янгиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Сурхондарё вилояти

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуллаев Меҳриддин Раззоқович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари

**Алдамуратов Бахитбай Умирзакович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Аълоев Бахромжон Журабоевич** — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

**Бердикличев Мардан Жахангирович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

**Кулматов Шерзод Дустмуратович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

**Курбанов Миршод Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат захираларини бошқариш қўмитаси раиси

**Норқобилов Бахромжон Тураевич** — Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси

**Норкулов Илҳом Иброхимович** — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари

**Отажонов Нодир Собирович** — «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Сайдуллаев Нодирбек Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари

**Туйчиев Анвар Мирзаахмедович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Турсунов Алибек Мамиржонович** — Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

**Хатамов Жамшед Мухторович** — Наманган вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари

**Худайбердиев Зафар Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

## «Жасорат» медали билан

**Азаматова Фотима Азаматовна** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Пахтачи тумани бўлими аъзоси, каштачи, Самарқанд вилояти

**Бобоназарова Зарифа Сулаймоновна** — Гулистон шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Сирдарё вилояти

**Бухарбаев Мухтар Юсупович** — Олмазор тумани Кар-соқовлар ва кўзи ожиз кар-соқовлар маданият маркази безакчи-рассоми, Тошкент шаҳри

**Жуманиязова Дилфуза Арслановна** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Хива шаҳар бўлими аъзоси, тикувчи, Хоразм вилояти

**Касимова Сохибахон Таджибаевна** — Андижон туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси, Андижон вилояти

**Латипов Тухтабай Умирбекович** — Тўрткўл туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Олимов Ўринбой Хурсанбоевич** — Бағдод туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, бош кийим тикувчи, Фарғона вилояти

**Ўсарова Гулнора Хуррамовна** — Музработ туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, қандолатчи, Сурхондарё вилояти

**Хидирова Нилуфар Абдиахатовна** — Қарши давлат университетининг лингвистика кафедраси ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Ходжирахимов Фарход Анваржанович** — Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Тошкент вилояти

**Холматов Тохир Ортикназарович** — Жиззах шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор, тандир ясовчи, Жиззах вилояти

**Ҳамроев Отабек Халилович** — Жондор туманидаги «Ушот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**Шарафутдинов Лазизбек Шербекович** — Поп туманидаги маиший техникаларни таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

**Элмуродов Камол Бобомуродович** — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг «Кармана» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси директори, Навоий вилояти

## «Шуҳрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

**Абдуллаева Саадат** — Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуллоева Бибихол** — Ромитан тумани, Бухоро вилояти

**Гадаева Саврихон** — Булоқбоши тумани, Андижон вилояти

**Казакбаева Сайда** — Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент вилояти

**Камилжанова Мухаррам** — Бектемир тумани, Тошкент шаҳри

**Нутфиллоева Ойиста** — Қизилтепа тумани, Навоий вилояти

**Очилдиев Тилло** — Қизириқ тумани, Сурхондарё вилояти

**Пардаев Низам** — Арнасой тумани, Жиззах вилояти

**Саидова Бувсара** — Иштихон тумани, Самарқанд вилояти

**Сафарова Хайри** — Сайхунобод тумани, Сирдарё вилояти

**Тажибаева Сара** — Янгибозор тумани, Хоразм вилояти

**Тешабоева Шахри** — Олтиариқ тумани, Фарғона вилояти

**Уралова Басуда** — Тўрақўрғон тумани, Наманган вилояти

**Хасанов Чаршанби** — Қамаши тумани, Қашқадарё вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдулаев Лутфидин Джураевич** — Яккабоғ тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Абдуллаев Уткир Нуруллаевич** — Жомбой туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

**Абдурахмонов Косим Алмарданович** — «Косон нефть-газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамиятининг Ғузор филиали пармаловчиси, Қашқадарё вилояти

**Абдурахмонова Мавжудахон Нуралиевна** — Бағдод туманидаги «Гулнора Матқулобод бодомлари» ишлаб чиқариш кооперацияси филиали раҳбари, Фарғона вилояти

**Адилов Азизжон Зайниддинович** — Тошкент шаҳар ҳокимлиги қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича котибияти бош мутахассиси

**Аманбаева Наргиза Махмуталиевна** — Қоровулбозор туманидаги «Бухоро агрокластер чорва» масъулияти чекланган жамияти бош зоотехниги, Бухоро вилояти

**Арипжанов Файзулла Абдуллаевич** — «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси — IT Park» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари

**Асатов Камалиддин Убайдуллоевич** — «Навоийазот» акциядорлик жамияти поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси цех бошлиғининг ўринбосари, Навоий вилояти

**Асқаров Фатхиддин Садиридинович** — Учқўрғон туманидаги «Wonderful flowers» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Бабажанов Бахит Сапарниязович** — «Қорақалпоқ сув таъминоти» акциядорлик жамиятининг Чимбой тумани бўлими экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бадалова Зулфияхон Равшановна** — Хўжаобод туманидаги «Bunyodkor Trans Servis» масъулияти чекланган жамияти пардозчиси, Андижон вилояти

**Бердиев Содиқ Хўжамқулович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Термиз электр таъминоти корхонаси электр механиги, Сурхондарё вилояти

**Бердиёров Самандар Робитқулович** — Янгиобод туманидаги «Совот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Бердимуротова Нилуфар Исломовна** — Сирдарё туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Сирдарё вилояти

**Джангабаев Эрназар Аманбаевич** — Мўйноқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Джахангиров Толиб Музаффарович** — Самарқанд шаҳридаги «Shaherezada Sam Star Tour» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

**Джуманиязов Камарадин Раджапович** — «Кўприкқурилиш» акциядорлик жамиятининг 13-кўприкқурилиш отряди занжирли оғир кран машинисти

**Джураев Сухроб Марданович** — Самарқанд шаҳри ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Самарқанд вилояти

**Дусмухамедов Абдужалол Абдусобир ўғли** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали мультимедиа қурилмаларига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

**Жабборов Жасур Бозорович** — «Ўзшаҳарқурилишинвест» масъулияти чекланган жамияти директори

**Исмамутов Жанабай Бахитбаевич** — Тахтакўпир тумани «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исраилов Салих Маруфович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Капланбеков Хикмат Абдуллаевич** — Тошкент туманидаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Каримов Обид Арипович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Каримов Пулат Абдирахманович** — Беруний туманидаги «Акром» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қодиров Бахромжон Зокирович** — Бувайда туманидаги «Трест-6» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Лукманов Анвархужа Акрамович** — Наманган тумани солиқ инспекциясининг «Паст қиёт» ва «Тепа қиёт» маҳаллаларига бириктирилган давлат солиқ бош инспектори, Наманган вилояти

**Мамадиева Жамила Мамараимовна** — Мирзачўл тумани ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Жиззах вилояти

**Мамадиярова Малика Таджиевна** — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

**Мамашарипов Музаффар Ражабович** — «Кўприкқурилиш» акциядорлик жамиятининг 67-кўприкқурилиш отряди электр-газ пайвандчиси

**Меликулов Хушнудбек Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Мирзаева Мамурахон Собировна** — Ўзбекистон туманидаги «Деҳқонобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Мирзаматов Абдумумин Мухтарович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи оператори, Тошкент вилояти

**Мусаев Шухрат Мирсодиқович** — Уйчи тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Набиев Равшан Абдурахимович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Назаров Рустам Кабилжанович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Наркулов Ориф Сиддикович** — Дўстлик туманидаги «Дўстлик агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

**Норжигитов Асатилло Турдибекович** — Ховос туманидаги «Оқчангал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Норов Зокир Шомонович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтоғ» транспорт цехи автосамосвал ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Носирова Санабархон Абдинабиевна** — Бўстон тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Омонова Ойлархон** — Қўштепа туманидаги «Файзли Фотимахон Ҳакимова» фермер хўжалиги пиллачиси, Фарғона вилояти

**Онорбоев Баходиржон Очилбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Ортиков Акмалхон Журахонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори

**Равшанов Норбой Бухарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Раджапов Шахриёр Саидмурадович** — Сергели туманидаги «Uz Auto-Inzi» масъулияти чекланган жамиятининг механик ишлов бериш ва йиғув цехи катта устаси, Тошкент шаҳри

**Ражабова Султонпошша Садуллаевна** — Боғот туманидаги «Боғот агропилла» масъулияти чекланган жамияти агрономи, Хоразм вилояти

**Раимов Шерали Инояткулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Рапиков Тохиржон Юлдашбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Рахматов Азиз Ахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Рахматов Кахрамон Ахмадович** — Тошкент вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси асфальт ётқизиш машинаси ҳайдовчиси

**Савуров Беҳзод Алижон ўғли** — Кармана тумани «Мирсаид Баҳром» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Навоий вилояти

**Тагаев Миркомил Хасанович** — Жарқўрғон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сурхондарё вилояти

**Тошев Собиржон Каххорович** — Самарқанд шаҳридаги «Univer Pro Stile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Тошов Мустақим Музаффарович** — Пешку туманидаги «Peshku Mixed Agriculture» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Туракулов Толибжон Ахророович** — «Uzbekistan Airways Technics» масъулияти чекланган жамиятининг Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази цех смена бошлиғи

**Турдалиев Аброрхўжа Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари

**Турсунов Дилшодбек Мухторович** — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси бўёқлаш цехи бригада бошлиғи, Андижон вилояти

**Умурзаков Сардорбек Улугбекович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Уразбаев Одилбек Шукуруллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «1-қурилиш-монтаж поезди» масъулияти чекланган жамияти бош мутахассиси

**Усманов Дилмурод Тухтабаевич** — Тахтакўпир туманидаги «Орол-агро» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Файзиев Камол Хатамович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Хатамова Гулрухсор Кудратовна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Холиқулова Ранохон Рахимовна** — Гулистон шаҳри ободонлаштириш бошқармаси бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Холов Азизжон Сайриддинович** — «To'palang HPD Holding» масъулияти чекланган жамияти лойиҳа менежери

**Худайкулов Шухрат Шавкатович** — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Хўжаев Зафаржон Хайдарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Хушмиров Сарвар Нуралиевич** — Ғузор туманидаги «Совлиғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Ҳасанов Умид Рўзимович** — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» унитар корхонасининг турбина цехи таъмирлаш чилангари, Хоразм вилояти

**Юлдашев Махамадилхом Мамаюнисович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Юсупов Санжарбек Мақсудбекович** — «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг Юнусобод филиали бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 24 август

**Гулистон шаҳридаги Тадбиркорлар ва ҳунармандлар марказида Ўзбекистон — Марказий Осиё — Хитой иқтисодий-маданий форуми ташкил этилди.**



# УЛУҒ АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ ДУНЁ ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА

◄1 Табрикда таъкидланганидек, конгресснинг бу галги саккизинчи йиғилиши доирасида мамлакатимизда бунёд этилаётган, маданий-гуманитар йўналишдаги мегалойиҳа — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятининг жорий ва келажакка мўлжалланган илмий дастур ҳамда режалари муҳокама қилиниши, айниқса, диққатга сазовордир.

Бунда буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг дунё, хусусан, мусулмон илм-фани ва цивилизацияси равнақига қўшган муносиб ҳиссаси, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказишга оид дастурлар, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимиз учун янги имконият ва истиқболлар очиб беради.

Маросимда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳақидаги видеоролик намойиш этилди.

Очилиш маросимидан сўнг халқаро конгресснинг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий мажмуаси музейларининг лойиҳа ва концепциялари муҳокама қилинди. Маҳаллий ҳамда хорижлик мутахассисларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари тингланди.

Конгресснинг еттита шуъба мажлисларида ялпи йиғилишда муҳокама этилган музейларнинг экспозициялари бўйича тақдим қилинган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Олимлар иштирокида "Марказий Осиё исломгача бўлган даврда", "Жаҳолатга қарши маърифат: ислом маънавий меросини оммалаштиришнинг долзарб масалалари", "Таълим ва фан — ислом цивилизациясининг асоси", "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида", "Архитектура, санъат ва ҳунармандчилик: келажак учун мерос", "Инновацион музейлар — келажак музейи: Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий музейлари кўргазмасида янги технологиялар", "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида: дунё ва миллий коллекциялар бўйича ишларнинг янги йўналишлари" каби мавзуларда семинарлар, муҳокамалар ташкил этилди.

Уларда Ўзбекистоннинг маданий-гуманитар соҳадаги тараққиёт йўли, янги юксалиш даврида эришилаётган ютуқлар ва диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни тарғиб қилиш, халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ҳамда оммалаштиришда маҳаллий олимлар ва халқаро илмий экспертлар ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни таъминлашга урғу берилди.

Тадбир доирасида "Янги Ренессанс: маданий меросни сақлашда кино ва медианинг ўрни" мавзуида ТУРКСОЙ халқаро форуми ўтказилмоқда. Унда туркий тилли мамлакатларнинг кино саноати вакиллари иштирокида "Кино — мерос ҳимоячиси: маданий лойиҳалар ва ташаббуслар тақдимоти", "Глобал медиаҳамкорлик: меросни асраш бўйича маданиятлараро лойиҳалар" каби тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мультимедиаблоки учун тайёрланган видеороликлар туркуми тақдимоти, "Бақтрия тарихи", "Ўзбекистон археологик марваридлари", "Клавихо", "Худойберган Девонов ва немис меннонитлари", "Мухтор Авезов" лойиҳалари тақдимоти ўтказилади.

Халқаро конгресс давомида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти билан ҳамкорлик юзасидан бир қатор халқаро ташкилотлар, академиялар ўртасида меморандумлар имзоланди.

Форум 26 августга қадар давом этади. Унинг доирасида жами 12 илмий йўналишдаги мавзуларни қамраб олган илмий-амалий семинарлар ташкил этилади. Хусусан, Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, уни сақлаш ва оммалаштириш, шунингдек, ислом цивилизациясининг қимматли маданий ва маънавий мулкини келажак авлодга етказиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинади. Замонавий технологиялар ёрдамида маданий меросни сақлаш ва қайта тиклаш масалалари, шунингдек, маданий бойликларни ёш авлодга етказишда янги инновацион ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилади.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Сали ШАҲСИВАРИ,**
**«Ал-Фурқон» ислом мероси фонди менежери (Буюк Британия):**



— Бугунги кунда дунёдаги кўплаб йирик коллекциялар ва машҳур музейларда Ўзбекистоннинг моддий ва номоддий меросига оид ноёб дурдоналар сақланмоқда, уларни ўрганишда ва бу ҳақда маълумотлар тўплашда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамиятининг хизматлари катта. Қисқа вақтда "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" лойиҳаси доирасида 70 жилдлик китоб-альбомлар тайёрланиши осон кечадиган жараён эмас, бунинг замирида қанча меҳнат, заҳмат борлигини яхши биламиз. Шунинг учун биз "WOSCU"нинг бу борадаги ишларини қўллаб-қувватлаймиз ва мазкур ташкилот билан бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

**Музаффар ШЕКЕР,**
**Туркия Фанлар академияси президенти:**



— Диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларни эътироф этганда, айниқса, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий мажмуасида олиб борилаётган ишлар ўзбек халқи маънавий қудратини дунёга намоён қилишини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Ўзбекистон минг йиллик тамаддунга эга. Бу замин одамлари мана шу истиқболли цивилизациянинг соҳиблари ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалар мана шу тамаддун ривожланишига ҳисса қўшишган. Бугунги кунда дунёдаги аксарият аҳоли айнан Мотуридий таълимотидан фойдаланади. Яна ислом оламида Термизий ҳам буюк муҳаддис ҳисобланади. Етакчи таълимотлардан яна бири — Нақшбанд тариқати. Қисқача айтганда, улуғлар улғайган мана шу маконнинг келажаги порлоқ! Бугунги куннинг фаоллари эса ушбу буюк мерос соҳиблари ҳамда тарғиботчилари ҳисобланади. Тан олиш керакки, бундай имконият ҳамма халқ ва давлатда ҳам мавжуд эмас.

**Тан ҲУСИМ,**
**Қатар Миллий кутубхонаси директори:**



— Айтиш керакки, маданий меросни ривожлантириш йўлида Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилган. Тарих, билим, тадқиқот, архитектура — Ўзбекистон мероси ва маданий бойлигининг кўплаб элементларини бир конгрессда жамламоқда. Бу ерда олимлар ўзаро фикр алмашмоқда, дўст тутинмоқда, келгуси ҳамкорлик режаларини муҳокама қилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, жуда ажойиб. Бизга мана шундай имконият яратиб берилганидан жуда хурсандмиз.

Мен ўз кутубхонамиз мисолида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича турли йўналишлардаги ҳамкорлик имкониятлари ҳақида тақдимот қиламан. Биз бу борадаги шериклик лойиҳаларини йўлга қўйишдан манфаатдормиз.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

# ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ НУРАФШОН МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТМОҚДА

*Инсон ҳаёти шундай кечадики, унинг маълум даври мазмун-моҳиятига кўра йиллар, ўн йилликлар қамровига сиғмайди. Мураккаб бир вазиятда қабул қилинган қарор ёки танлов тарихий бурилишни бошлаб беради, тақдирларни ўзгартириб юборади, жамиятнинг жон ва қон томирларини очади. Бунёдкорлик кўчаларига нур бағишлайди. 1991 йил 31 август биз учун, келажак авлодлар учун ана шундай тарихий бурилиш палласи бўлиб қолди. Миллат айни шу куни қайта туғилди, катта йўлга чиқди, десак, муболаға эмас.*

## МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМИЗДА

Бир эслаб кўрайлик: собиқ тузум исканжасида яшаганимизни, ўзлигимизни йўқотаёзганимизни, тарихимиз қора доғлару сохта айбловларга тўлиб кетганини, ғуруримиз таҳқирланганини, заҳматли меҳнатимиз самарасини кўрмай юрган пайтларимизни, даламизга нима экин экишни, иморатни қанча баландликда қуришни ҳам марказдан сўрашга, ижозат олишга мажбур бўлганимизни. Тилимиз, дин-диёнатимизнинг аҳволи-чи? Фақат мустақиллик янги ислоҳотлар йўлини бошлаб берди, инсонга муносабатни ўзгартирди, халқнинг кайфиятини кўтарди.

Кейинги саккиз йилда рўй берган инқилобий ўзгаришлар истиқлол аталмиш буюк неъматнинг қадрини янада юксалтирди. Ўзимизни том маънода эркин, ҳур ва озод ҳис қила бошладик. Ҳуқуқ ва манфаатларимиз кафолати кучайтирилди. Дунёда ўз овозимиз, ўз ўрнимизга эга бўлдик. Қаддримиз ҳам, қаддимиз ҳам бир неча баробар ўсди.

Шу маънода, мустақиллик қалбимизда, онгу шууримизда, тақдиримизда чуқур илдиз отаверади, унинг муқаддас солномаси Ўзбекистон номи билан аталадиган ғалабалар, жаҳон эътиборига тушган ютуқларимиз билан бойиб бораверади. Бу йилларнинг ҳар куни, ҳар ойи ва йили маъно-моҳиятига кўра "умр дафтарини шоҳ сатрлар-ла безаш" ва бу орқали дунёни ҳайратга солиш даври бўляпти. Келажак авлодлар бу солноманинг ҳар саҳифасини диққат-эътибор билан ўқишади, халқимиз истиқлолни қандай қўлга киритгани-ю, уни қандай шароитларда асраб қолганини, давлатимиз ўзининг илк қадамларини қандай қўйганини, нечоғли мураккаб тўсиқларни енгиб ўтиб, тараққиётнинг янги даврига кўтарилганини зўр қизиқиш билан мутолаа қилади, фарзандларига сўзлаб беради.

Истиқлол солномасига назар ташлаган киши кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда янги-янги анъана ва қадриятлар, янги ижтимоий муносабатлар, янгича дунёқараш ҳамда фикрлаш, шу билан бирга, эл-юрт, миллат тақдири учун масъуллик ва бундан фахр-ифтихор туйиш ҳисси пайдо бўлганига гувоҳ бўлади. Мана шунинг ўзи энг катта ютуғимиз, истиқлол иморатининг мустаҳкам пойдевори, келажак сари йўғрилган нигоҳидир! Ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолликнинг янги қирралари юзага келгани-чи?

Ўттиз уч йил аввал эрта-кеч даладан келмайдиган, елкасидан кетмон тушмаган деҳқоннинг фарзанди бугун мамлакатнинг таниқли кишиси, миллатнинг, бутун Ўзбекистоннинг ифтихори. Бу — буюк келажагимизнинг яратувчиси эканлигининг далолати!

Кейинги йиллардаги ижобий ўзгаришлар, янги Ўзбекистон ислоҳотлари жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун, у қайси соҳада меҳнат қилмасин, ҳаётда, ижтимоий ёки ижодий фаолиятда, ўзини тўла намоён этиш, янги таҳрирдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланиш имконини бермоқда. Ислоҳотлар насими, аввало, ҳуқуқ бўлиб онг-шууримизга сингди. Бунинг натижасини бугун одамларнинг дунёқараши, фикри-зикри, турмуш тарзида кўриш мумкин. Ҳар бир инсонда ҳаракат, интилиш, излаш, яратиш иштиёқи бор. Ҳар бир кишида бугунгидан-да фаровон ҳаётга, ёруғ келажакка ишонч бор.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган бунёдкорликлар, деярли қайта қурилган шаҳарларимиз, ободонлашиб бораётган қишлоқларимизнинг замонавий кўриниши, йўлсозлик, кўприксозлик, шаҳарсозлик илминиг, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг бениҳоя ривожланиши, илм-фан, маданият ҳамда санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ҳаётимиз ва ишларимизнинг давомчилари бўлган ёш авлоднинг зафарлари, миллатлараро аҳил-иноқлик, бағрикенглик, шубҳасиз, истиқлол шарофати.

Дунё минбарларида мустақил Ватанимизнинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинаётгани, мамлакатимизга Ер юзининг турли минтақаларидан Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш учун ҳам келишаётгани — миллий истиқлол йўлининг тўғрилигидан далолат.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари ҳақида сўз юритганда, ижобий ўсиш бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, айни чоғда халқимизнинг турмуш тарзида, яшаш шароитида, маҳалла ҳаётида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ жойларида маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани кўнгилда мунаввар туйғулар уйғотади.

Йиллар йилларга уланиб бораверади. Вақт чархи тинимсиз айланади. Мақсадни аниқ белгилаган, бу йўлда баҳамжиҳат ҳаракат қилган, огоҳликни қўлдан бой бермаган, ютуқларидан эсанкирамай, янги, янада баланд марраларни кўзлаган халқ, миллатгина ўзининг буюк келажагини таъминлай олади. Дунё нигоҳини ўзига тобора кўпроқ қаратаётган Ватанимизнинг ибратли йўли бунга яққол мисолдир.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда жиддий ўзгаришлар палласига кирди. Иқтисодиёт эркинлашди, тадбиркорликни амалда қўллаб-қувватлаш бошланди, валюта конвертациясига йўл очилди. Янада муҳими, халқ билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиш, таклиф ва ташаббусларини инобатга олиш мамлакат янги раҳбари сиёсатининг ўзак қисмини ташкил этди. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билимларини ошириш, коррупцияга қарши кураш устувор вазифага айланди. Ташқи сиёсатда, аввало, узоқ-яқин қўшнилар билан муносабатларимиз яхшиланди, музлар кўчди, хорижий инвесторларга ҳуқуқий кафолатларни кенгайтиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди.

> *2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда жиддий ўзгаришлар палласига кирди. Иқтисодиёт эркинлашди, тадбиркорликни амалда қўллаб-қувватлаш бошланди, валюта конвертациясига йўл очилди. Янада муҳими, халқ билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиш, таклиф ва ташаббусларини инобатга олиш мамлакат янги раҳбари сиёсатининг ўзак қисмини ташкил этди.*

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон фуқароларининг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳақ-ҳуқуққа эгалиги белгилаб қўйилди. Заминимизда умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсон бугун олиб борилаётган ва яқин келажак учун кўзда тутилаётган ислоҳотлар, аввалambор, унинг оиласи ва фарзандлари, шу юртнинг фаровонлиги ҳамда тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим. Бунинг учун ҳар киши бугунги тезкор ва талабчан замондан ортда қолмай, ўз ҳуқуқий маданияти ва хабардорлик даражасини, ислоҳотлар самараси учун ижтимоий масъуллик туйғусини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётида, дунёда, ён-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаши ва хулоса чиқариши лозим бўлади.



**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
**академик.**

Шу ўринда таълим, илм-фан, ўқитувчилар мақомини кўтариш ҳам ислоҳотларнинг марказида турганини таъкидлаш жоиз. "Устоз — отангдан улуғ" деган нақлга амал қилувчи халқимиз ўқитувчини яна тўрга чиқариб қўйди. Буюк мақом Конституцияда муҳрланди. Бизнингча, ўқитувчиларни эъзозлаш, уларнинг қадри ва ўрнига мос эҳтиром кўрсатиш бўйича дунёдаги ҳамма давлатларнинг қонунларида ҳам бундай нормалар бўлмаса керак.

Конституцияга ўқитувчи тўғрисидаги қоиданинг киритилиши узоқни кўзлаб қилинган савобли иш деб ўйлайман. Бир пайтлар Германия канцлери Отто фон Бисмарк "Буюк Германияни оддий ўқитувчилар шакллантиради", деб айтган экан. Жамиятни инсон ўзгартиради, таълим эса инсонни ўзгартиради. Таълимнинг марказида эса ўқитувчи туради. Шундай экан, унинг ўрнини, ҳурматини жойига қўйиш — буюк иш. Чунки мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда.

Айниқса, олдинлари ўқув йили ибтидоси педагогнинг ёзилмаган йиллик иш режасини пахта мавсумининг бошланиши белгилаб берарди. Қаҳратон қишга қадар давом этадиган бу мавсумни ўқитувчи ўз ўқувчилари билан бирга "ёлланма теримчи" сифатида далада ўтказарди.

Мамлакатимиз янги даврга қадам қўйди. Бугун ўқитувчининг олдида фақат ёш авлодни етук ва комил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган. Президентимиз таълимнинг таянч нуқтасини топди. Педагоглар меҳнатининг қадрланиши, эъзозланиши, ижтимоий ҳимояга олингани бунинг исботи, десак, хато қилмаган бўламиз.

Шуни билиш лозимки, фуқаро дунёқараши жамият ва мамлакатда кечадиган жараёнлардан орқада қоладиган бўлса, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонунлар "ишламайди", ҳар қандай назорат ҳам кутилган натижани бермайди. Қачонки фуқаронинг дунёқараши ва интилиши амалдаги давлат ҳокимияти фаолиятидан олдинда бўлсагина, миллат ва мамлакат ривожланади, акс ҳолда, тараққиёт бўлмайди. Шунинг учун давлатимиз раҳбари такрор ва такрор таълим-тарбия масаласига тўхталмоқда. Таълим сифати дунёни қутқаради ва юқори даражага олиб чиқади. Эртанги кун билимни чуқур эгаллаган жамиятларники бўлиб қолади.

Халқимиз ҳам эътиборини илм-фан, таълим тизими ривожига янада кучлироқ қаратиши зарур, назаримизда. Бунинг учун илмга, илмлиларга, ўқитувчиларга рағбат тизими яратилмоқда. Юртимизда ташкил этилган Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари билими, ғайрати ҳар томонлама қўллаб-қувватланяптики, тез орада барча орзу-ниятимиз амалга ошади, деган умиддамиз.

"Оққан дарё оқаверади", деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Буюк алломалар етишган қадимий ўлкамиздан бир неча асрлик танаффусдан кейин яна самарқандийлар, хоразмийлар, бухорийлар, термизийлар, насафийлар, жаҳон эътироф этган олим ва ихтирочилар, етти иқлимни қалами билан забт этган ижодкорлар, диний уламолар етишиб чиқишига замин ва муҳит яратилаётгани юртдошларимизга ишонч бағишламоқда. Истиқлолнинг зафарли одимлари бизни ана шу довонларга элтади.

Бухорода «Samarkand Marathon» хайрия югуриш мусобақалари туркуми доирасида учинчи бор «Bukhara Night Race» пойгаси ўтказилди.

Ўрганиш

# Ўқув жараёнлари ва сайлов комиссиялари фаолияти билан танишув

*Айни кунларда Марказий сайлов комиссияси Раиси ва аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар сайловларини ўтказувчи туман, шаҳар сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари ва масъул котиблари учун ташкил этилган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ўқув-амалий машғулотлари билан яқиндан танишмоқда.*

Хусусан, улар 23-24 август кунлари Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, мазкур жараёнларни ўрганишди.

Урганч давлат университетида ташкил этилган семинарларни ўтказишдан асосий мақсад — бўлажак сайловларда сайлов комиссиялари аъзоларини тайёрлаш ва уларни сайлов қонунчилигидаги янгиликлардан хабардор қилишдан иборат.

Ўқув машғулотлари дастуридан пропорционал ва мажоритар сайлов тизими, сайлов комиссиялари фаолиятининг асосий жиҳатлари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш, биноларни жиҳозлаш, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, овозларни санаб чиқиш ва натижаларни белгилаш каби сайлов жараёни билан боғлиқ барча мавзулар ўрин олган.

Турли интерфаол усуллар — суҳбат, психологик машқлар, баҳс-мунозара, умуман, илғор ўқитиш технологиялари асосида ўтказилган машғулотларда таҳлил қилиш, турли ҳолатларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сафар давомида МСК Раиси Зайниддин Низомхўжаев, комиссия аъзоси Халмуҳаммед Палуаниязов Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти ҳудудий сайлов комиссиясида бўлиб, 27 октябрь куни мамлакатимизда ўтказиладиган муҳим сиёсий жараённи миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида уюштириш ва очиқ, ошкора ўтказиш учун амалга оширилаётган тизимли ишларни таҳлил қилдилар. Шунингдек, ҲСК биносида яратилган шароитларни кўздан кечириб, ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.

Шунингдек, МСК Раиси Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясидаги тайёргарлик билан танишди. Комиссия аъзолари билан учрашиб, сайловга тайёргарлик кўриш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда З. Низомхўжаев Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сайловга кўрилаётган тайёргарлик ва ташкилий ишларга юқори баҳо бериб, сайлов участкаларини жиҳозлаш ва сайловчиларга зарур қулайликлар яратиш, ўқув-семинарлар ташкил этиш, ушбу муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш бўйича тавсиялар берди.

Шундан сўнг Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқув биносида шаҳар ва туман сайлов участкалари вакиллари учун ташкил қилинган ўқув-семинарда қатнашиб, бу ердаги жараён билан ҳам танишди ва сиёсий тадбирда участка сайлов комиссияларининг ўрни муҳим аҳамият касб этишини, шундан келиб чиқиб, уларнинг сайлов қонунчилигидаги кўникмалари юқори савияда бўлиши лозимлигини қайд этиб ўтди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссияси аъзоси Баҳодиржон Юнусов ҳам Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ўқув-амалий машғулотлари, ҳудудларда сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАМЖИҲАТЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*“Халқ сўзи” газетасининг 13 август сонида сиёсатшунос олим Қудратилла Рафиқовнинг “Уйғонаётган арслон” мақоласида Ўзбекистоннинг бугун жаҳон айвонида ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб, муайян қудратли кучга айланиб бораётгани кейинги кунларда юз берган икки воқелик мисолида таҳлил қилиб берилади. Булар — Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи ва Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги иштироки ҳамда спортчиларимизнинг Париж Олимпиадасидаги тарихий ғалабаси. Мазкур муҳим воқеликлар янги Ўзбекистонимизнинг дунё сиёсати, маданияти ва замонавий тарихидаги юксалиб бораётган ўрнини яна бир бор намоён этди.*




Акс садо

Дарҳақиқат, кейинги йиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатида улкан ўзгаришлар даври сифатида тарихга кирди. Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тамойилларига амал қилиниши баробарида қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилиши, очиқ, конструктив ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритилиши узоқ йиллар биқиқликда сақланган халқ дипломатияси сари йўл очди. Қардош миллатлар азалий яқинликни, тарихи ва келажаги муштарак эканини янада чуқур англай бошлади. Бир-бирига ишончи мустаҳкамланмоқда, бир-бири учун куюнмоқда.

Буни яқинда Парижда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик мураббийнинг қирғизистонлик боксчига то финалга қадар секундантлик қилгани мисолида кўрдик. Бунда қардош халқлар бир-бирининг ғалабасидан самимий суюнганига гувоҳ бўлдик. Зеро, бир неча йил аввал бундай муносабатни тасаввур этишнинг ўзи қийин эди.

Албатта, ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп. Айниқса, қўшни, биродар, қардош, тили, урф-одатлари яқин мамлакатлар ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланса, ташвишу қувончлар ўртада баҳам кўрилса, бундан ортиқ саодат борми?! Бинобарин, азал-азалдан эт ва тирноқ янглиғ бирлашиб кетган ушбу халқларнинг ўзаро тотувлиги дунёда рўй бераётган глобал инқироз, озиқ-овқат, сув танқислиги ва экологик хатарларни юмшатишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларининг тинчлик, ўзаро ҳамкорлик, яхши қўшничилик, ижтимоий-гуманитар алоқаларини ривожлантиришнинг чинакам ташаббускори сифатида халқаро майдонга чиқмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ушбу мамлакатлар халқларини қувонтириши билан бирга “Марказий Осиё плюс” форматида бошқа минтақалардаги давлатлар диққатини тортаётгани унинг нечоғли аҳамиятга моликлигидан далолат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқида Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни ҳал қилиш муҳимлигини билдириб, *“Марказий Осиё ўзининг геосиёсий жойлашуви туфайли глобал ишонч инқирози ва можаролар кескинлашувининг барча салбий оқибатларини тўлиқ бошдан кечирмоқда”*, дея таъкидлади ва шу асосда ушбу оқибатлар асоратсизлигини таъминлаш йўлида минтақавий ҳамкорликнинг 6 банддан иборат устувор йўналишларини илгари сурди. Уларда ҳар бир мамлакат иқтисодиёти, транспорт коммуникацияси, озиқ-овқат хавфсизлиги, халқаро банк тармоқларига интеграцияси, энергетика ва глобал иқлим мувозанати билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Юртбошимизнинг бирдамлик йўлидаги ҳаракатлари, илгари сураётган ташаббуслари, қисқача айтганда, фидокорлиги бекорга эмас. Халқларимиз ўтмишидаги қора кунлар, турли истило ва истибдодлар ўзаро нифоқ ҳамда ички низолар туфайли рўй берганига тарихда мисоллар кўп. Ҳамкорлик ва елкадошлик муваффақиятлар сари етаклашига эса биргина спортчининг ғалабаси ёрқин мисол. Ўз қўшни мамлакатига қўшин тортаётган бугунги алғов-далғов замонда бунинг қадру қимматини сўз билан ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом қозоқ ва ўзбек халқини бир китобнинг икки саҳифасига ўхшатганида қозоқ оқини Асқар Тўқмағамбетов биродарлигимизни тавсифлаб, ўз шеърида “Бир дарахтнинг сояси тушга қадар меники, тушдан кейин сеники”, дея лутф этган эди. Умуман олганда, беш қўшни мамлакатнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги юксак даражага кўтарилиб бормоқдаки, бу — бирлашган, бир маслак ва ғоя асосида олға ҳаракат қилган давлатлар кун келиб катта ютуқларга эришишига ишорадир.

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**Навоий давлат педагогика институти ректори.**

# Ҳашар — элга ярашар

*Хабарингиз бор, мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрамини муносиб нишонлаш, “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!” ғояси остида халқимиз орасида бирдамлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни кучайтириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилмоқда.*

Қадрият

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида ташкил этилган Республика штабида ҳар бир маҳаллада амалга оширилган ишлар “Рақамли маҳалла” электрон платформаси орқали мувофиқлаштириб борилди.

Маълумотларга кўра, ҳашарнинг биринчи куни 15 372 гектардан ортиқ майдонлар ободонлаштирилди. 25 300 тоннадан зиёд чиқиндилар чиқариб ташланди. 18 014 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 2 млн. 243 мингдан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, қабристон ҳамда зиёратгоҳлар тартибга келтирилди.

Тадбир давомида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши натижасида 10 964 та кам таъминланган оиланинг 174,3 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 18 минг 431 нафар эҳтиёжманд оила, шу жумладан, 12 минг 572 нафар ногиронлиги бор ва ёлғиз карияларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Эътиборлиси, ҳашар куни 8 та маҳалла бинолари ҳамда 37 та маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа объект фойдаланишга топширилди.

**«Халқ сўзи».**



# ҲАЁТИЙ ТАШАББУС ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

## юртдошларимиз манфаатларини кафолатлайди

*Ҳар бир мамлакат тараққиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги, аҳоли ҳаёти, турмуш фаровонлигида таъсирчан аҳамият касб этиши билан муҳим ўрин тутади. Шу маънода айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда умумэътирофдаги тамойилларга қатъий риоя қилинган ҳолда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу янгиланишлар, ўз навбатида, халқаро ҳамжамиятда, экспертлар доирасида алоҳида эътироф этилаётгани эътиборга молик.*

Нуқтаи назар

Урғулаш жоиз, июль ойи мамлакатимиз ҳаётида ижтимоий-сиёсий воқеликларга бой бўлди. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг юртимизга расмий ташрифи, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШҲТ плюс” форматидаги учрашуви ҳамда Шуша шаҳридаги Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитидаги иштироки ва унда Президентимиз томонидан илгари сурилган бир қатор ташаббус ва таклифлар нафақат мамлакатимиз ҳаёти, балки умумминтақа ривожига дахлдорлиги билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди, десак, асло янглишмаймиз. Қолаверса, бу Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро ҳамжамият билан манфаатли ҳамкорлиги янада мустаҳкамланаётганидан далолат.

### Инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати — олий қадрият

Жаҳон ҳамжамиятида ўзаро муносабатларнинг ишончлилик асосида таъминланиши охирги йилларда мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, турли халқаро тузилма, ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижаси, дейиш мумкин.

Бинобарин, сўнгги етти йилда қабул қилинган учта комплекс тараққиёт стратегияси ҳамда турли соҳаларни ривожлантиришга оид 60 дан зиёд стратегия, концепция ва дастурларга инсоннинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ривожланиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш, ижтимоий тенглик каби тамойиллар, ғоялар тўлиқ сингдирилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги қўшилган ва ратификация қилган халқаро ҳужжатлари сони 80 дан ортди.

Яна бир муҳим жиҳат янги таҳрирдаги Конституциямиз халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш каби эзгу фазилатлар руҳини ҳам ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Хусусан, Бош қомусимизда “инсон — жамият — давлат” тамойилини татбиқ қилишга оид нормалар сони 3,5 баробар оширилди, 40 дан зиёд янги конституциявий ҳуқуқлар муҳрлаб қўйилди. Асосий Қонунимиз халқимизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган ҳуқуқий ҳамда адолатли давлат қуриш йўлларини кенг очиб берди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратишни назарда тутиши баробарида, унинг ҳар бир йўналиши халқаро ҳужжатларда илгари сурилган мақсад ва вазифаларга уйғунлиги билан ҳам диққатга сазовор. Жумладан, ушбу ҳаётий дастуриламал ҳужжатда белгиланган барча 100 мақсад, 369 та чора-тадбир, 190 та вазифа, 306 та мақсадли кўрсаткич бажарилиши мамлакатимизнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла эришишига хизмат қилади.



**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

### Устувор вазифалар бирдамликда амалга оширилади

Аёнки, ҳар қандай халқаро ташкилотнинг нуфузи ва аҳамияти унга дунёда берилаётган эътибор ҳамда фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. Ана шулардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саналади.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда ШҲТ ишончли, изчил ривожланишга мустаҳкам пойдевор қўйиб, дунёда тан олинди. Иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ўрнатиш, савдо, божхона, лойиҳавий фаолият, маданият, фан ва техника, соғлиқни сақлаш, туризм, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятларни бартараф этиш каби қатор соҳаларда самарали ҳамкорлик ўрнатилди. ШҲТнинг муваффақиятли тараққиёт омили шундаки, у ишонч, ўзаро манфаатлар, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилмахилликни ҳурмат қилиш ва биргаликда ривожланиш истагига асосланади.

Шу ўринда ШҲТ равнақида Ўзбекистон ҳиссаси, ўрни ва иштироки хусусида тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти асосчиларидан бири бўлиб, тузилмага аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини минтақавий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш каби жиҳатларга йўналтиришга интилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси ўтган йил якунлари бўйича 20 фоиз, жорий йил бошидан буён эса яна 15 фоизга ўсган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан сўнг мамлакатнинг ташқи сиёсатида — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти йўналиши сезиларли даражада фаоллашганини қайд этиш жоиз. Зеро, мамлакатимиз етакчиси ШҲТ доирасида турли соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган “ШҲТ плюс” форматидаги учрашувда ҳам Президентимиз томонидан таклиф этилган ҳаётий ташаббуслар бунга яққол мисолдир. Жумладан, иқтисодий соҳада ҳамкорлик бўйича стратегик юксалишга эришиш масаласи кўтарилди. Бундан ташқари, трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш бўйича жаҳондаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада амалдаги рақамли савдо платформалари интеграциясини кўзда тутувчи ҳамкорлик дастурини тайёрлаш таклиф этилди.

Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон сиёсатида савдо-иқтисодий алоқаларни изчил чуқурлаштириш, замонавий ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш устувор аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг изчил мустаҳкамланиши ва ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи доимий оширилишини қўллаб-қувватлайди. Бу йўлда ўз таклиф ва ташаббусларини илгари суриш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда янада фаол бўлади.

### Иқлим ўзгаришларига қарши курашишда муҳим ёндашув

Бундан беш йил аввал Ўзбекистоннинг яна бир муҳим ташкилот — Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)га аъзолиги мавжуд имкониятлардан халқимиз фаровонлиги йўлида кенг фойдаланиш борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлади. Шунинг баробарида, туркий тилли давлатлар орасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, минтақада тинчликни таъминлаш, халқаро майдонда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва барча соҳада ҳамкорлик қилиш мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўтган қисқа вақт мобайнида 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айни вақтда бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил рўёбга чиқарилаётир.

Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида давлатимиз раҳбари томонидан савдо ва транспорт йўлларини ривожлантириш, иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш, муқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби бир қатор йўналишларга эътибор қаратилиб, бу бўйича муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилгани ниҳоятда аҳамиятлидир.

Албатта, кўтарилган масалаларнинг барчаси долзарб. Бироқ инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири — иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб, бу нафақат мамлакатимизни, балки минтақа, қолаверса, бутун дунёни жиддий ташвишга солмоқда.

Мутахассислар томонидан ўтказилган таҳлиллар бу борада ўз вақтида тегишли чораларни қабул қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Акс ҳолда бу хавфли оқибатларга — минтақада ҳаво ҳароратининг глобал ортиши, тупроқ деградацияси, кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айланиши, сув ресурсларининг тақчиллиги, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, биохилмахилликнинг қисқариши, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг пасайиши каби оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу ўринда ушбу мувозанат йўлларини топиш, бундай салбий ҳолатлар, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш бўйича мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи алоҳида бобда мустаҳкамланди. Давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш мажбуриятлари белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда имзоланган “Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни иқлим ўзгаришларига бўлган салбий таъсирни юмшатиш борасидаги муҳим ҳужжатлардан бири дейиш мумкин.

Қолаверса, жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи анъанавий Самарқанд форуми ҳам иқлим ўзгаришларининг инсон ҳуқуқларига кўрсатадиган салбий таъсирини юмшатишга оид аниқ тавсия ва ечимлар тайёрлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди, десак, муболаға эмас.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз Туркий давлатлар ташкилоти саммитида туркий дунё бугунги кунда иқлим бўйича халқаро ҳамкорликда ўзининг юксак ўрни ва баланд овозига эга бўлиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун Ўзбекистон ташаббуси асосида вазирлар даражасида Туркий экология кенгашини тузиш таклифи берилгани айни муддао бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатида инсон саломатлигига етказиладиган зарар — глобал муаммо. Мавжуд ҳолатни кескин юмшатиш учун жаҳон мамлакатлари биргаликда самарали чоралар кўриши кераклигини давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида алоҳида таъкидлайди. Бу бежиз эмас. Зеро, келажак авлод тақдири, саломатлиги, хавфсизлиги учун барча давлат улкан масъулиятни ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда илк бор «Хомашёдан — тайёр маҳсулотгача» тамойили асосида «Мис саноати кластери» барпо этилмоқда.

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ: ЯНГИ ҒОЯЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

*Тадбиркор — юрт таянчи. Боиси у моддият яратади, тараққиёт учун хизмат қилади, халқни иш ўринлари билан таъминлайди ва бу билан элу юрт фаровонлигига ҳисса қўшади.*

*Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимиз ҳаётида азалдан муҳим ўрин тутиб, унинг ўзига хос анъаналари асраб-авайланган, бундай фазилатга эга кишилар қадрланган. Буни буюк Амир Темурнинг “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, деган фикри ҳам тасдиқлайди.*

## Муносабат

Аслида ҳам, тадбиркорнинг камолида юрт жамоли, тадбиркорликнинг равнақида эл маъмурлиги акс этади — агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бундан барча-барчамизга манфаат бор. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислоҳотлар эса улар олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Сир эмаски, муқаддам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бел боғлаган кишилар бюрократик тўсиқларга дуч келарди: иш бошлаш арафасида кўпгина идораларга бориб, бир талай ҳужжатларни тўлдириши — имзо тўплаши шарт эди. Қанчадан-қанча эшикларга бош суқиб, куч-қувватини ва қимматли вақтини шу каби ортиқча юмушларга сарф қиларди.

Барчамизга яхши аёнки, сўнгги саккиз йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган кўплаб қонун, Фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар имзоланди. Уларга асосан, 132 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддати ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Тадбиркорлар сони охирги йилларда уч бараварга ошгани ҳам бунинг исботи. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратди, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ҳамда брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Айни жараёнда мамлакатга хорижий инвестиция жалб этиш учун қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, валюта бозори либераллаштирилди, хорижий инвестор томонидан фойдани репатриация қилиш бўйича барча чекловлар олиб ташланди, қулай фискал тизим яратилди. Хорижий инвестор акциясидан оладиган дивиденд уч йил муддатга фойда солиғидан озод этилди. Инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарга божлар бекор қилинди. Тадбиркорлар кўтарган 700 дан ортиқ масала, ташаббус ва янги лойиҳалар қўллаб-қувватланди, 8 трлн. сўм қўшимча маблағ ажратилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожи, тадбиркорлик инфратузилмаси учун яна 18 трлн. сўм йўналтирилди.

Энг муҳими, маҳалладаги микролойиҳадан тортиб, мегалойиҳагача қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Бундай имкониятлар ҳисобига уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етди. Яна 100 мингдан зиёд шундай якка тартибдаги тадбиркорлар бор.

Шу йилнинг ўзида тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилдагига нисбатан 25 фоизга кўпайиб, 986 трлн. сўмга етди. Йиллик айланмаси 10 млрд. сўмдан 100 млрд. сўмгача бўлган ўрта корхоналар 2 карра кўпайди. Айланмаси 100 млрд. сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2 200 тадан ошди.

Солиқ, банк, молия, бутун иқтисодиёт комплекси маҳаллабай ва мижозбай ишлашга ўтгани натижасида олдин зарар билан ишлаган 16 минг корхона ярим йилда 6,5 трлн. сўм фойда билан чиқди. Бугунги кунда 100 тадан ортиқ ишчиси бор корхоналар 3 мингга яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингга кўпайди. Ушбу корхоналардаги ишчилар сони 1,7 миллионга етди. Ваҳоланки, илгари кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз “текшир-текширлар” сабабли 60 фоиз янги тадбиркорлар фаолияти биринчи йилнинг ўзидаёқ тўхтаб қолар, оқибатда кўплари “соя”да ишлашга мажбур бўларди. Бугунга келиб, тадбиркорлар “соя”да ишлашдан кўра қонуний фаолият, соғлом рақобатни манфаатли, деб биляпти. Қолаверса, олти ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 2 карра ўсиб, 14 млрд. долларга етди. Бу — инвесторларнинг Ўзбекистонда бизнес қилишга ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу йилги тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти ҳам бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва ишбилармонликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар берилгани билан аҳамиятли бўлди.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Бугун дунёда жуда мураккаб вазият юзага келмоқда. Асосий озиқ-овқат ва энергия захиралари нархи осмонга ўрламоқда. Унинг юртимизга таъсирини камайтириш учун тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга шароит яратиб бериш мақсадга мувофиқ. Бу борада Президентимиз бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтиб, уларнинг ҳар бири бўйича кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

Улардан бири — кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш.

Ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорларга ўртача 100 млн. сўмдан жами 3,5 трлн. сўм микрокредитлар ажратди. “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича тадбиркорликни энди бошлаётган 115 минг аҳолига 1 трлн. сўмлик микроқарзлар берилди. Ушбу тажриба ўз самарасини кўрсатди ва бу янада кенгайтирилади. Энди Тадбиркорликни ривожлантириш компаниясининг филиали ҳар бир вилоятда ташкил қилинади. Компания ва унинг филиаллари ҳудудларда салоҳияти бор тадбиркорларни аниқлайди. Компания кафилликлари яхши кредит тарихи ва юқори барқарорлик рейтингига эга тадбиркорларга берилади.

Яна бир янгилик. Тадбиркорларнинг кўпчилиги ислом молияси асосида ресурс олиш истагини билдиряпти. Шунинг учун микромолия ташкилотларига исломий шартлар асосида хизмат кўрсатишга рухсат берилди. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳасига кўра, ислом молияси билан банклар ҳам ишлаши мумкин бўлади. Бундай янги молиявий хизматлар тақдим этилиши кўп инвесторлар кириб келиши ва 5 млрд. долларлик қўшимча ресурс пайдо бўлишига туртки беради. Қолаверса, бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш муаммоси ўз ечимини топяпти.

> ***Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жорий йилнинг етти ойида мамлакат экспорти 13 фоизга ўсиб, 10 млрд. доллардан ошди, аввал экспорт қилмаган 1 610 та корхона ташқи бозорларга чиқди. Бундай корхоналар сони 6 мингдан ошди. Маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил давом эттирилади. Шу мақсадда Жаҳон савдо ташкилотига 2026 йилда аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташланмоқда. Бу борада ташкилот аъзолари билан музокаралар ўтказилаётгани, ҳозиргача Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бразилия каби 17 та аъзо давлат билан келишувга эришилгани эътиборга молик. Ташкилотга аъзолик халқаро транзит юк ташишда ортиқча тўлов ёки чекловлардан халос қилади. Албатта, бу маҳсулотлар рақобатдошлилигига яна бир ёрдам бўлади.***



**Баxтиёржон АКБАРАЛИЕВ, Андижон давлат университети ректори, техника фанлари доктори.**

Энди тадбиркор аукциондан ер сотиб олганда, унга қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш бекор қилинади. Шунингдек, йирик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ер қийматини тадбиркор устав фондига давлат улуши сифатида киритиши мумкин бўлади. Тадбиркор истаган пайтда бу улушни ўзи сотиб олиши мумкин. Бу орқали шу йилнинг ўзида тадбиркорлар ихтиёрида 3 трлн. сўм қолади.

Яна бир йўналиш — ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жорий йилнинг етти ойида мамлакат экспорти 13 фоизга ўсиб, 10 млрд. доллардан ошди, аввал экспорт қилмаган 1 610 та корхона ташқи бозорларга чиқди. Бундай корхоналар сони 6 мингдан ошди. Маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил давом эттирилади. Шу мақсадда Жаҳон савдо ташкилотига 2026 йилда аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташланмоқда. Бу борада ташкилот аъзолари билан музокаралар ўтказилаётгани, ҳозиргача Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бразилия каби 17 та аъзо давлат билан келишувга эришилгани эътиборга молик. Ташкилотга аъзолик халқаро транзит юк ташишда ортиқча тўлов ёки чекловлардан халос қилади. Албатта, бу маҳсулотлар рақобатдошлилигига яна бир ёрдам бўлади.

Аммо тадбиркорлар олдида турган қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Кўп тадбиркорлар экспорт бўйича қўшимча қиймат солиғини қайтаришда ортиқча тўсиқ борлигини айтяпти. Солиқ ва божхона хизматларининг ахборот тизимлари бир-бирига уланган бўлса-да, экспортни тасдиқлайдиган ҳужжат талаб этиляпти. Президентимиз бундан буён божхона органининг экспортни тасдиқловчи электрон маълумоти қўшимча қиймат солиғини қайтариш учун асос бўлишини, бошқа ортиқча ҳужжатлар сўралмаслигини таъкидлади.

Тўртинчи йўналиш — хизматлар соҳасига янги туртки бериш билан боғлиқ.

Ўзбекистонда банд аҳолининг 52 фоизи хизматлар соҳасида тер тўкяпти. Ишлаб турган корхоналарнинг 68 фоизи (264 мингтаси) ҳам ушбу йўналишга тўғри келади. Лекин тармоқда банд бўлганларнинг атиги 4 фоизи юқори қўшилган қиймат берадиган йўналишда фаолият юритяпти. Шу боис хизматларда, аввало, IT соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Етти йил олдин деярли йўқ жойдан бошланган бу соҳа бугун 1 млрд. долларлик экспорт қилиш салоҳиятига эга бўлди. Эндиги вазифа — бу кўрсаткични 5 млрд. долларга етказиш.

Бундан буён барча соҳада сунъий интеллект технологиялари кенг жорий қилинади. Масалан, сунъий интеллект орқали дрондан фойдаланиб, қурилишда харажатларни 20 фоизга тежаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса сунъий интеллект орқали ҳосилдорлик 10 — 15 фоизга, ўғит ва ёқилғи самарадорлиги 40 фоизга ошади. Бу йўналишда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун барча шароит яратилади. IT-паркда сунъий интеллект маркази очилади. Лойиҳаларни молиялаштириш учун 50 млн. доллар ажратилади.

Бешинчи йўналиш — бизнес учун тўсиқ ва ғовларни янада қисқартириш.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича катта ислоҳотлар амалга оширилди. Лекин ҳалигача айрим муаммолар сақланиб қолаётир. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга асос бўладиган қонунбузилиш ҳолатлари даражаси белгиланмаган. Оқибатда арзимаган камчиликлар билан ҳам тадбиркорлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳолатлари кузатиляпти. Шу боис 1 ноябрга қадар аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф солувчи мезонлар реестри ишлаб чиқилади. Реестрда йўқ мезон бўйича ишбилармоннинг фаолиятини тўхтатган мансабдор жавобгарликка тортилади. Айни чоғда тадбиркорларни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ҳолатлар янада либераллашади. Яъни тадбиркорнинг тўламаган солиғи 100 млн. сўмдан ошса, жиноятчига айланади. Солиқ тўламаганлик учун жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган миқдорни 2 бараваргача ошириш Президентимиз томонидан таклиф қилинди. Бундан ташқари, муаммоли кредитлар билан жиддий шуғулланилади. Кредитни ундириш тадбиркорни “тугатиш” ҳисобидан амалга ошишига йўл қўйилмайди.

Сирасини айтганда, Президентимиз томонидан беш йўналиш бўйича берилган таклифларнинг барчаси ушбу соҳада меҳнат қилаётган ишбилармонлар учун жуда катта имтиёздир. Тадбиркорга ҳозиргидек қулай шароит ҳеч қачон яратилмаган.

Яқин ўтмишда тадбиркорлик юртдошларимиз учун уддалаб бўлмас машаққат бўлиб туюлган бўлса, бугун бизнес бошламоқчи бўлганлар замони келди. Ишбилармон йўлига тўсиқ бўлиш давлат сиёсатига хиёнат деб қабул қилинди. Асоссиз текширувларга чек қўйилди, экспортёрлар рағбатлантирилди, ишбилармонлик ташаббуслари тўлиқ қўллаб-қувватланди. 2020 — 2023 йилларда тадбиркорлик субъектларига 2016 йилдагига нисбатан 5-6 баробар кўп маблағ ажратилгани ҳам бу соҳага жуда жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Қисқача айтсак, тадбиркорлар билан учрашувда илгари сурилган ташаббуслар ишбилармонларга ишонч ва шижоат бағишлайди, мамлакатимиз бизнес муҳити жозибадорлигини оширишга, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

---

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

# ТАФСИЛОТЛАР

## Форишда цемент заводи очилди

*Жиззах вилоятининг Фориш туманида барпо этилган “Жиззах цемент” заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Унда қайд этилганидек, янги цемент ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 150 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Корхона тўлиқ ишга тушгач, йилига 2 миллион тонна юқори сифатли, экспортбоп цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 450 янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа доирасида 450 ҳамда 500 маркали юқори сифатли цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

## Фарғонадан Новосибирскка авиақатнов йўлга қўйилмоқда

*Россиянинг “S7 Airlines” авиакомпанияси Фарғонадан Новосибирскка мунтазам ҳаво қатновини йўлга қўяди. Биринчи парвоз шу йил 19 сентябрда амалга оширилади.*



Новосибирск — Фарғона — Новосибирск йўналиши бўйича ҳаво қатнови “Airbus A320” русумли самолётларда ҳафтасига бир марта — душанба кунлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Маълумот учун, “S7 Airlines” авиакомпанияси 26 мамлакатнинг 180 дан ортиқ шаҳарларини парвозлар орқали қамраб олган Россиянинг энг йирик хусусий авиаташувчиси ҳисобланади.

## Болаларнинг қўл меҳнати кўргазмаси

*Андижонда Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами олдидан “Имкониятлар дунёси” мавзуида маданий-маърифий, кўргазмали тадбир ўтказилди.*

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир давомида имконияти чекланган болалар томонидан тайёрланган қўл меҳнати маҳсулотлари кўргазмаси, шунингдек, уларнинг истеъдод ва маҳоратларини юзага чиқаришга қаратилган танловлар, спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди.

## Ҳарбий хизматчилар уйли бўлди

*Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги Маънавият маҳалласи ҳудудида қурилган янги хонадонлар калитлари ўз эгаларига топширилди.*



Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда мамлакатимиз тинчлиги йўлида фидойиларча хизмат қилаётган юрт ҳимоячилари хонадон калитларини қабул қилиб олди. Бу ҳарбийлар учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояси масаласида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилаётганини эътироф этди.

**«Халқ сўзи».**

---

**Ўмондан Самарқандга сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиқилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6